


ТОШКЕНТ

ОКНАМИ



Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

22 ноябрь кунин Узбекистон Республикаси Президенти сайловини ва Узбекистон Республикаси референдумини ўтказуви Марказий сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

ИТТИФОҚДА

Крим АССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси «Референдум тўғрисида» қонун қабул қилди.

СССР Президенти Михаил Горбачев 23 ноябрь кунин кечкурун ўзининг Киргизистонга қилган амалий сафарини якунилади. Кеча у Москвага қайтиб келди.

ХОРИЖДА

Америка Қўшма Штатлари билан Вьетнам тўла дипломатик муносабатлар ўрнатилганга қолдирилди, — деди Америкада чиқадиган «Нью-Йорк таймс» рўномаси мухбири билан суҳбатда Вьетнам ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ле Май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ — ТОШКЕНТ ШАҲРИ БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИНИНГ МАҚОМИ ВА ТУЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бошқарув идоралари мақоми ва тузилишини ўзгартириш ҳамда Тошкент шаҳрида ҳокимлик ташкил этиш тўғрисидаги таклифи асосан маъқуллансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокими сайлови 1991 йил 29 декабрь яншиба кунин ўтказилсин.

3. Велтиаб қўйилсинки, Тошкент шаҳар ҳокими сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш учун шаҳар сайлов комиссиясини тузилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига номзодлар Қонуни билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган сиёсий партияларнинг, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг Тошкент шаҳар идоралари томонидан уларнинг конференцияларида, пленумларида, кенгашларида кўрсатилади.

Тошкент шаҳрида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг турар жойлардаги камиди 500 киши иштирок этган йиғилишлари ҳам кўрсатилаётган номзодни Тошкент шаҳрида доимий яшайдиган ва сайлов ҳуқуқидан фойдаланадиган, камиди йигирма минг фуқаро қўллаб-қувватлаган тақдирда Тошкент шаҳар ҳокимлигига номзод кўрсатишлари мумкин. Фуқаролар нмзосини тўплаш тартибни шаҳар сайлов комиссияси белгилайди.

Тошкент шаҳар ҳокими сайловини ўтказуви комиссияларини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши, овоз бериш участкалари ташкил этиш, бюллетенлар тайёрлаш, овоз берувчилар рўйхатларини тузиш, овоз беришни ташкил этиш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш, сайлов натижаларини аниқлаш тартиби ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикаси пойтахти — Тошкент шаҳри ҳокимини сайлаш тартиби тўғрисидаги ва шаҳар бошқарув идораларининг мақоми ва тузилиши тўғрисидаги муваққат низомага мувофиқ ҳал қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Иқтисодий ислохот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳамда Қонуничилик, қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот масалалари комитетлари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг таклифи юзасидан Ўзбекистон Республикаси пойтахти — Тошкент шаҳрининг мақоми тўғрисида қонуни лойиҳасини тайёрлашлари ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг муҳокамасига киритсинлар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси пойтахти — Тошкент шаҳри бошқарув идораларининг мақоми ва тузилиши тўғрисидаги қарорига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раёсати қарор қилади:
- Тошкент шаҳар ҳокими сайлови бўйича шаҳар сайлов комиссияси қуйидаги жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари таркибиде тасдиқлансин:
- Алибаров Эркин — «Компрессор» заводининг слесари.
 - Ғулломмажидов Абдували — «Конструктор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.
 - Жамилбеков Маннобек Салимович — Тошкент заргарлик заводининг заргари.
 - Жумаев Маматурди Жумаевич — 268-мактаб ўқитувачиси.
 - Исмаилов Тамира Жабборовна — халқ таълими бош бошқармасининг мактаблар инспектори.
 - Каримов Гофур — «Қурилиш» маҳалла комитетининг раиси, нафақа олувчи.
 - Кулаков Виктор Михайлович — Фрунзе район ҳуқуқий консултациясининг адвокати.
 - Магай Борис Геннадьевич — Тошкент шаҳар ҳисоб бошқармасининг бошлиғи.
 - Низомов Шавкат Хасанович — халқ депутатлари Фрунзе район Кенгашининг раиси.
 - Нуритдинов Жалолиддин Жамолович — «Ташгортранс» экспедиция корхонасининг директори.
 - Пияхусов Борис Ильич — суд экспертизаси илмий-тадқиқот илмгоҳининг директори.
 - Полтаева Флюра Аҳмадовна — «Олдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси комитети раисининг ўринбосари.
 - Самтов Бехтиёр — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳайдовчиси.
 - Табибов Султонмурот Латипович — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ахборот-ҳисоблаш маркази бўлими бошлиғи.
 - Темуров Шукур — Тошкент қишлоқ хўжалик дорифунунининг доценти.
 - Хатмпов Эдип Зокирович — Ўзбекистон Республикаси «Агропромрест» Тошкент тажриба-механика таъмирлаш заводининг директори.
 - Шевелева Елена Георгиевна — қишлоқ энержо лойиҳаси Урта Осий бўлимининг бўлими бошлиғи.
- Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. ФОЗИЛБЕКОВ.

НОМЛАРИ ҲАМ ЎЗИГА ЯРАШИҚЛИ

Суратли павҳа


Шу кунларда тошкентлик метросозлар юнусободларнинг бундан бун «Йўл ташвишидан» қутқаришга астойдил бел бошлашган. Уларнинг ҳиммати ва самарали меҳнатлари билан бугун Чилонзор ва Ўзбекистон йўлларида метро поездлари бегўхот қатнаб минг-миглаб ҳамшаҳарларининг оғирини енгил қилмоқда. Бугун метросозлар Юнусобод йўли қурилиши учун барча кучларини сафарбар эттишмоқда. Узулиги 11 километрдан иборат бўлган бу йўлнинг дастлабки олти ер ости саройи 1995 йилгача ишга тушиши мўлжалланмоқда.

Юнусобод линиясининг «Лохутий» бекети ва Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўрғазмаси району атрофида ер ости қазииш ишлари ўтган йилнинг охирида бегўхот бошланган эди. Дастлаб шу ораликни танланганининг боиси бор. Чунки ушбу йирик участка қурилиши икки қисмдан иборат бўлади. Унинг биринчи навбати юқориде айтганимиздек 1995 йилгача фойдаланишга топширилади.

Иккинчи линия қурилиши эса 2 мингичи йилгача тулланади. Унинг таркибига «Аҳмад Дониш» ва «Юнусобод» (шартли) бекатлари кирди.

Йил бошида «Ташметрострой» трести оғир аҳволда тушиб қолган эди. Бироқ бу муаммо зудлик билан ҳал этилди. Метро қурилиши учун кумхурият бюджетидан маблағ ажратилди. Ҳозир метросозлар икки мингичи йилгача мўлжалланган аниқ дастурага эгадилар.

Хуллас, Тошкент ер ости йўлларини истиқбол ҳозирнинг ўзида аниқ кўриноб



Юнусобод йўли келажакда шаҳар марказини Сергели мавзеси билан боғлайди. Оралик мўддат тобора янгилашиб бормоқда. Қўз очиб юммай Юнусобод линиясини бўйлаб ҳам метро поездлари қатнай бошлайди.

Махмуд ОРИНОВ, СУРАТАРДА: Юнусобод линиясининг 20-пактасида

иш қилгани. Ер ости қазииш ишларида Ислам Баҳромов ва Александр Желобюков бошчилик қилишмоқда.

Рустам Шарипов суратлари.

- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. ЯҲЛОШЕВ.**
- Тошкент шаҳри, 1991 йил 18 ноябрь.
- САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ**
- Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раёсатининг қарорига кўра Тошкент шаҳар ҳоким сайловини ўтказиш учун мавжуд бўлган шаҳар районлари чегараларда 11 та округ ташкил этилди.
- Округларнинг марказлари қуйидагича:
- Акмал Иброҳимов округи — Акмал Иброҳимов район Кенгаши, Ферҳод кўчаси, 21-уй.
 - Телефонлар — 74-01-56, 74-12-90.
 - Бектемир округи — Бектемир район Кенгаши, Лихачев кўчаси, 1-уй.
 - Телефонлар — 92-34-91, 92-48-15.
 - Киров округи — Киров район Кенгаши, Энгельс кўчаси, 72-уй.
 - Телефонлар — 35-28-18.
 - Куйбишев округи — Куйбишев район Кенгаши, Пушкин кўчаси, 122-уй.
 - Телефон — 68-02-53.
 - Ленин округи — Ленин район Кенгаши, Полторацкий кўчаси, 18-уй.

- Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. ФОЗИЛБЕКОВ.**
- Телефонлар — 33-29-86, 54-96-81.
 - Октябрь округи — Октябрь район Кенгаши, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй.
 - Телефон — 41-23-20.
 - Собир Раҳимов округи — Собир Раҳимов район Кенгаши, Зиемов кўчаси, 1-уй.
 - Телефон — 46-61-76.
 - Сергели округи — Сергели район Кенгаши, Ново-Сергели кўчаси, 1-уй.
 - Телефон — 58-36-33.
 - Фрунзе округи — Фрунзе район Кенгаши, Педагогика кўчаси, 76-уй.
 - Телефон — 55-74-50.
 - Ҳамза округи — Ҳамза район Кенгаши, Гоголь кўчаси, 79-уй.
 - Телефон — 33-39-00.
 - Чилонзор округи — Чилонзор район Кенгаши, Халқлар дўстлиги кўчаси, 50-уй.
 - Телефон — 77-59-69.
- Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари А. ГОНЧАРОВА.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

ХАЛҚ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раёсатининг 22 ноябрь кунин бўлиб ўтган мажлисида шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Тошкент шаҳар ҳокими (мэри) сайловлари, Ўзбекистон Республикаси

ЭРТАГА ОШКОРА МУЛОҚОТ ЎТҚАЗИЛАДИ

Қадрли тошкентликлар, эртага, 26 ноябрь кунин «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўномаларининг муҳаррир-

риятда соат 16 дан то соат 18 га қадар шаҳарда бозор муносабатлари ўтиш юзасидан Сизларнинг берган саволларингизга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси Аҳмадбек Фозилбеков жавоб қайтаради.

Ошкора мулоқот низомаи — 33-35-80, 33-84-24.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

1 БОВ. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб ёши 35 дан кам бўлмаган ва 65 дан ортиқ бўлмаган, ушбу Қонунга мувофиқ сайланиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини сайлашни мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 5 йил муддатга сайланади.

Бир фуқаронинг ўзи кетма-кет икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг Президенти халқ депутати бўлиши мумкин эмас.

2-модда. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тулган фуқаролари Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Иктимойи келиб чиқини, иктимойи ва мулкий аҳволига, ирғий ёки миллий маъсулбига, жинси, маъдумоти, тили, динга муносабатига, машғулот турини ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикасини фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарада бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топиладиган рухий бемор фуқаролар ва суднинг ҳукмига мувофиқ оозлиқдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар ёки жиноят-процес-

ат идоралари ўз фаолиятларини очиб ва ошкора олиб борадилар.

Сиёсий партияларга, касаба уюшмаларига, бошқа жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатларга, меҳнат жамоалари ва фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ёки қандай номзодни ёқлаб ҳар унга қарин ташкилот юзлашиш ҳуқуқи кафолатланади. Бунда Президентликка номзоднинг шани ва қадр-қиммати ерга урадиган, ёлғонлик аниқ бўлган маълумотларини ёзма ёки овозини тарада тарқатишга йўл қўйилмайди.

Овоз бериш кунин ташкилот олиб бориш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, муассасалари ва ташкилотларининг, жамоат бирлашмалари ва айрим фуқароларнинг ана шу мақсад учун иктерий равишда берган маблағларини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказуви Марказий сайлов комиссияси қабул қилиб олади ва Ўзбекистон Республикасини Президентлигига номзодлар ўртасида уларни сайлов кампаниясига тенг миқдорда тақсимлаш учун республика бюджетига топширади.

Давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда уларнинг бирлашмалари сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш учун зарур бино ва ускуналарини сайлов комиссиялари ихтиёрига бегўла бериб қўйиладилар. Сайлов комиссиялари иш олиб бориши учун давлат ихтиёрида бўлмаган корхоналар ва ташкилотларнинг бинолари ва ускуналарини ижарага олиш тарада ижара ҳақи республика бюджетни маблағлари

ҳисобидан тўланади.

Номзодлар кўрсатиш ҳамда уларнинг сайловда ташкилот кампаниясини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харajatлар республика бюджетни маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ақнабий ташкилотлар ва хусусий шахсларнинг, шунингдек бошқа республикалар ва улар фуқароларининг Ўзбекистон Республикасини Президентлигига номзодлар олиб бораётган сайлов кампаниясини пул билан таъминлаш ва бошқа йўсинда моддий мадад беришда бирон-бир тарада бевосита ёки билвосита иштирок этиши тақиқланади.

7-модда. Ўзбекистон Республикасини Президентини сайлов тўғрисидаги қонунларни бузулиш учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасини фуқаросининг Ўзбекистон Республикасини Президентини сайлаш ва Президентликка қарин равишда хуқуқини эркин равишда амалга оширишга, сайловда ташкилот олиб боришга зўриқ, алдов, таҳдид этиш ва бошқа йўсинда тўқилиш қилган шахслар, шунингдек сайлов ҳужжатларини сохташларига, овозларини сайлов нотири ҳисоблаган, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқа йўсинда бузулишга йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат идораларининг маъсул шахслари Қонунда белгиланган қўйилган йўсинда жавобгар бўлади.

Номзодларнинг шани ва қадр-қимматига доғ гуширидан сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақдоратому муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади.

II БОВ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИВИ ВА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ

8-модда. Ўзбекистон Республикасини Президентини сайлов тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловини ташкил этиш ва таъминлашга доир қарорини Ўзбекистон Республикасини Олий Кенгашининг Раёсати қабул қилади.

9-модда. Сайлов округлари тузиш

Ўзбекистон Республикасини Президентини сайлов бўйича сайлов округларини Марказий сайлов комиссияси вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасини чегаралари доирасида тузилади.

Сайлов округларининг чегаралари, сайловчиларнинг сони ҳамда оқрад сайлов комиссияси қаерда жойлашган кўрсатилган сайлов округларининг рўйхатларини Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловини тайинланганидан кейин кечи билан 10 кун ўтгач эълон қилади.

10-модда. Сайлов участкалари тузиш

Ўзбекистон Республикасини Президентини сайлов чоғида овоз беришни ўтказиш ва овозларини ҳисоблаб чиқиш учун ноҳиялар, шаҳарлар, шаҳарлардаги ноҳиялар ҳудудини ўз участкаларига бўлилади. Сайлов участкаларини шунингдек ҳарбий қисмларда ҳам тузилади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхона-

12-модда. Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловини ўтказуви сайлов комиссиялари

Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш учун:

- Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловини ўтказуви Марказий сайлов комиссияси;
- Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловини ўтказуви округ сайлов комиссиялари;
- Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловини ўтказуви участка сайлов комиссиялари тузилади.
- 13-модда. Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловини ўтказуви Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловини ўтказуви Марказий сайлов комиссияси раис, раис ўринбосари, котиб ва камиди 16 аъзолдан иборат тартибда тузилади.

Ўзбекистон Республикасини Олий Кенгашининг Раёсати Марказий сайлов комиссиясининг раиси ва аъзоларини Қонуни билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган республика сиёсий партияларининг, Ўзбекистон Республикасини уюшмалари федерациясининг раҳбарлари фикрини ҳамда Қорақалпоғистон Республикасини Олий Кенгашининг ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Советларининг ёки улар раёсатларининг тақлифлари ҳисобга олган ҳолда сайлов кунин тайинланганидан кейин уч кун мобайинда тасдиқлайди. Марказий сайлов комиссиясини таркибига Қорақалпоғистон Республикасини камиде иккита ҳамда вилоятлар ва Тошкент

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РЕФЕРЕНДУМИ ТЎҒРИСИДА

I БОБ. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Референдум тушуниши.

Ўзбекистон Республикаси референдуми — давлат ҳаёти ва иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича шў муаммаларни Ўзбекистон Республикасининг қонунари ва ўзга қарорларини қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини беэвосита амалга ошириш воситасидир.

2-модда. Фуқароларнинг референдумда иштирок этиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тулган фуқаролари референдумда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Суд томонидан муомалалаб таъбирга келтирилган бўлиши билан референдумда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

3-модда. Референдумни ўтказиш принциплари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда иштирок этишда беэвосита иштирок этишлари.

Референдумда овоз бериш шартини ўтказиладиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини изҳор этишларини назорат қилиши йўли қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда тенг асосларда иштирок этишлари. Хар бир фуқаро шахсан овоз бериши ва бир овозга эга бўлади.

Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш давомида кенг ошқоралик, жамоатчиликнинг иштироки таъминланади.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг референдум тўғрисидаги қонунари

Ўзбекистон Республикасининг референдум тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни), ушбу Қонуни, Ўзбекистон Республикасида халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунарининг талабларига мувофиқ ўтказиладиган ва Ўзбекистон Республикасининг ушбу Қонунга амал бўлмаган ўзга қонуни ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

5-модда. Референдумга қўйилаётган масалалар

Референдумнинг ҳудудий бўлиб турганини ўзгартириш тўғрисидаги, солиқлар, бюджет тўғрисидаги, амнистия, азф этиш тўғрисидаги, жамоат тартибини, аҳолининг сиздиқ-саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фақулдорлар ва шояинчи қора-тадбирлар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасини тузган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар, шунингдек мансабдор шахсларни тайинлаш ва озод этиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг референдумга қўйилиши мумкин эмас.

6-модда. Референдумни тайинлаш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси референдумни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши эгадир.

7-модда. Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш шартлари

Қонуни белгилаган тартибда рўйхатдан ўтган сиесий партиялар, насоба уюшмалари, оммавий ҳаракатлар, референдумни ташкил этиш

да ва уни ўтказишда қатнашадиган давлат ва жамоат идоралари ўз фаолиятларини очик ва ошқора амалга оширадирлар.

Сиесий партиялар, насоба уюшмалари, бошқа жамоат уюшмалари ва оммавий ҳаракатлар, меҳнат жамоалари ва фуқароларга референдумга киритилажак масалани еқлаб ёки унга қарши бемалол ташвиқот юргизиш ҳуқуқи кафолатланади.

Овоз бериладиган кунда ташвиқот олиб бориш ман этилади.

Референдумга оид барча масалалар, шунингдек референдумга киритилажак қонуни ёки ўзга қарорларнинг лойиҳалари тегишли идоралар томонидан қабул қилинганда кейин етти кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Оммавий ахборот воситалари референдумни тайёрлаш қандай бораётганини ва унинг ўттишини ёритиб турадилар, уларнинг вақитларига референдум билан боғлиқ бўлган барча йиғилишлар ва мажлисларга бемалол кириши ва тегишли ахборотни олиш кафолатланади.

Референдум комиссиялари ўзларининг таркиби, манзилгоҳи ва иш вақтидан, овоз бериш участкаларининг ташкил этилганлигидан ва референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатидан аҳолини ўз вақтида воқиф қилади.

Референдум комиссияларининг овоз бериш участкаларида овоз бериш вақтида ва овозларни ҳисоблаб чиқиш чоғида, референдумнинг натижаларини аниқлаш пайтида сиесий ва ўзга жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатларнинг, меҳнат жамоаларининг, фуқаролар йиғилишларининг, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлишига ҳақидирлар.

Комиссияларнинг мажлисларида ёки овоз бериш участкаларида ҳозир бўлган шахслар уларни йўлаган ташкилот йиғилишининг баёнидан тасдиқланган кўчирмага ёки ўзларининг ваколатларини тасдиқловчи ўзга ҳужжатга эга бўлишлари керак. Мазкур вакиллар ҳозир бўлиши кутулаётганини тўғрисида референдум ўтказувчи комиссияларни олдиндан воқиф этиш талаб қилинмайди.

Референдум ўтказувчи комиссиянинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

8-модда. Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш шартлари

Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш шартлари Ўзбекистон Республикасининг давлат маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва уларнинг бирлашмалари зарур хоналар ва жиҳазларини референдум ўтказувчи комиссиянинг ихтиёрига бепула берадилар. Давлатга қаралиш бўлмаган корхоналар ва ташкилотларнинг хоналари ва жиҳазларини референдум ўтказувчи комиссиянинг ихтиёрига бепула берадилар.

9-модда. Референдум тўғрисидаги қонунарига бўзганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда қатнашиш, ташвиқот юритиш ҳуқуқидан эркин фойдаланишига зуравонлик билан, алдаш, таҳдид қилиш ёки ўзга йўл билан қаршилик қилишчи шахслар, шунингдек референдум ҳужжатларини сохталаштирган, овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаган, яшири овоз бериш принципини бузган ёки ушбу Қонуни ўзгача тарзда бузган референдум ўтказувчи комиссиянинг аъзолари, давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари, сиесий партиялар ва ҳаракатларнинг вакиллари, ташаббускор гуруҳнинг аъзолари, имзо тўпалаган шахслар қонунида белгилаган жавобгарликка тортиладирлар.

Референдум ўтказувчи комиссиянинг аъзоларига нисбатан ҳароратловчи муносабатда бўлган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладирлар.

II БОБ. РЕФЕРЕНДУМНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ

10-модда. Референдумни ўтказиш ташаббуси

Ўзбекистон Республикаси референдумни ўтказиш ташаббуси билан: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши; Президентини; Қорақалпоғистон Республикаси номидан унинг давлат ҳокимияти олий органи чиқиси мумкин.

11-модда. Фуқароларнинг референдум ўтказиши талаб қилиш ҳуқуқларини амалга оширишлари

Агар референдумни ўтказиш тўғрисидаги талабнома та референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган

ихтиёрий тарзда ва мустақил фойдаланадилар.

Ушбу Қонуни талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан тузилган референдум ташаббускор гуруҳлари имзолар тўплаши ташкил этиладир ва амалга оширадирлар.

12-модда. Референдум ташаббускор гуруҳини ташкил этиш ва уни рўйхатдан ўтказиш

Референдум ўтказиш зарурлиги масаласини ҳал этиш мақсадида фуқароларнинг ташаббуси билан фуқароларнинг йиғилиши ўтказилади.

Йиғилиш ўтказиш ташаббускорлари камида 10 кун аввал халқ депутатлари тегишли Советини ёки унинг Раёсатини йиғилиш қаерда ва қачон ўтказилишидан хабардор қилишлари лозим.

Башарти референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг камида 300 фуқароси иштирок этганина, йиғилиш қонуний кучга эга бўлади.

Йиғилишдан аввал унинг қатнашчилари рўйхатга олинадир. Йиғилиш раёсат сайлайди, референдум ўтказиш зарур ёки зарур эмаслигини, шунингдек референдумни тақдир этилажак қарор лойиҳасининг матнин муҳома қилади.

Башарти, референдум ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинса ва референдумга чиқарилаётган матн тасдиқланса йиғилиш охири ёки яшири овоз бериш йўли билан тартиб камида 10 ишндан иборат бўлган референдум ташаббускор гуруҳини сайлайди ва унга имзо тўплашда ташкил этишни тоширадир.

Йиғилиш протоколи ва унинг қатнашчилари рўйхатга олиналгани тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ташаббускор гуруҳининг рўйхати қайд этиш учун фуқароларнинг йиғилиши ўтказилган ҳудуддаги халқ депутатлари ноҳия ёки шаҳар Советига ёки унинг раёсатига тақдим этилади, Совет ёки унинг раёсати протоколнинг олган кундан бошлаб бир ҳафта мuddат ичида ташаббускор гуруҳини қайд этиш тўғрисида ёки ушбу Қонунининг талаблари бузилган ҳолларда рўйхатга олиниши рад этиш тўғрисида қарор чиқаришлари керак. Рад этиш устидан ноҳия (шаҳар) халқ судига шикоят қилиш мумкин, бу суд беш кун мuddат ичида қатъий қарор чиқаради.

Гуруҳ қайд этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган уч кун ичида тегишли Советнинг раёсати ташаббускор гуруҳининг ваъинига қайд этилганлиги тўғрисидаги қарор нусхасини ва гуруҳ аъзоларининг тўғрисидаги маълумотлар берилди.

Хар бир референдум бўлишига тузилган ташаббускор гуруҳларнинг умумий миқдори чекланмайди. Уч ва ўндан ортқи ташаббускор гуруҳини қарорига буюман референдумнинг уйғулаштирувчи ташаббускор гуруҳи тузилишига йўл қўйилади.

Рўйхатга олинган ташаббускор гуруҳлар тўғрисидаги маълумотлар ташаббускор гуруҳлар тузилган шоялардаги Советларнинг раёсатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсатига берилди.

13-модда. Референдум ташаббускор гуруҳлари томонидан имзоларни тўплаш тартиби ва мuddати

Қайд этилганлиги тўғрисидаги қарорнинг нусхасини олган пайтдан бошлаб референдум ташаббускор гуруҳи референдум ўтказиш тўғрисидаги талабнома ёзилган арақаларда имзоларни тўплаши ташкил этиш ва бу ишни бемалол амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Ушбу референдум ҳусусидаги масала бўйича имзолар тўплашининг умумий даври референдум бўйича биринчи ташаббускор гуруҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилган кундан бошлаб иккинчи ойдан ошмаслиги керак.

Башарти, шу мuddат ичида фуқароларнинг зарур миқдордаги имзолар тўпаламан бўлса, имзолар тўплаш тўхтадилади. Худди шу масала бўйича референдум ўтказиш тўғрисидаги талаб билан камида бир йил вақт ўтгандан кейин чиқишга рухсат этилади.

14-модда. Референдумнинг имзо арақаси

Референдум ўтказиш тўғрисидаги талабномага Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг имзосини тўплаш арақаслари (имзо арақаслари) референдумга тақдим этилаётган масалаларнинг тартиби, ёки тақдир этиладиган Қонуни лойиҳасининг ёки ўзга қарорнинг (қонуни лойиҳасининг) ёки ўзга қарорнинг тўғрисидаги талаб билан ташвиқот имконияти таъминланган тақдирда) маъмуви баён этилган бўлиши зарур. Референдумда олиб чиқилаётган масала ташаббускор гуруҳ томонидан шундай тузилиш керакин, унга фақат бир маъмулда жаваб бериш мумкин бўлсин.

Имзо арақасларини ташаббускор гуруҳ раиси ва аъзоларидан бири тасдиқлаган бўлиши керак.

Хар бир имзо арақасида референдум ташаббускор гуруҳининг раиси ва аъзоларидан бири томонидан қўйилган тасдиқловчи имзолар билан бирига тасдиқланган жамим имзолар тўғрисидаги ёзув қайд этилади. Ташаббускор гуруҳ аъзоларининг тасдиқловчи имзолари ушбу ташаббускор гуруҳ қайд этилган жойдаги халқ депутатлари Маҳаллий Советини ёки Совет раёсатининг муҳри билан гувоҳландирилади.

15-модда. Якуний протокол

Имзолар тўплаш тугагач ташаббускор гуруҳ якуний протоколи тузилади, унда гуруҳ рўйхатга олинган сана, имзолар тўплаш тугаган сана, тўпалаган имзолар сонини кўрсатилади. Бу протокол тегишли Совет ёки унинг раёсати муҳри билан тасдиқланади ҳамда референдум ўтказиш тўғрисидаги талабнома билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсатига йўлланади. Олий Кенгаши Раёсати зарурат бўлганда ҳужжатларни текшириб кўриши мумкин. Имзо арақаслари ва ундан ортқи имзоси аниқланган тақдирда унинг бирорта ҳам имзоси ҳисоба олинмайди.

Референдум ўтказиш тўғрисидаги талабномада референдумни ўтказиш зарурлиги асосланган бўлиши, референдумга киритилаётган масалалар, қонуни ёки ўзга қарор лойиҳасининг аниқ тартиби бўлиши зарур.

Имзо арақаслари ташаббускор гуруҳини рўйхатга олган халқ депутатлари Советига сақлаш учун берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ташаббускор гуруҳлардан олиш

ган материалларни қайд этилади, улардаги маълумотларни умумлаштирилади ва ушбу Қонуни талабларига риоя этилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тегишли комитетлари ва комиссиялари ҳуқуқларини ҳисоба олиб туриб референдум тайинлаш масаласини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясининг кун тартибига киритади.

16-модда. Референдум ўтказиш тўғрисидаги талаб юзасидаги қарор қабул қилиши

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши референдум ўтказиш тўғрисидаги талаб юзасида қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишига ҳақини:

а) референдум тайинлаш, уни ўтказиш қонуни ва уни таъминлаш чоралари тўғрисида;

б) референдум ташаббускорлари ушбу Қонуни бузганлиги тақдирда референдум тайинлаш тўғрисидаги талабларни рад этиш ҳақида;

в) референдум ўтказиш тўғрисидаги талабларда тақдир қилинаётган қонуни ёки ўзгача қарорни қабул қилиш, шундан кейин референдум ўтказмаслик тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тақдир этилган материалларни қараб чиқади ва референдум ўтказиш тўғрисида талаб тушган кундан бошлаб бир ой мобайнида қарор юзасидан қарор қабул қилади.

Қарор қилинган қарор ум қуниқ мuddат ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилингандан кейин кечи билан ўн кун ўтгач, референдумга қўйилган қонуни ёки ўзга қарорнинг лойиҳаси эълон қилинади.

17-модда. Референдумни ўтказиш мuddати

Референдум уни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан олдин ва уч ойдан кечиктиб ўтказилиши мумкин эмас.

Бу мuddат фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан узайтирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

III БОБ. РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШ ВА УНИНГ ЯКУНЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

18-модда. Референдумни ўтказувчи комиссия

Ўзбекистон Республикасининг референдумга тайёрлаш қилиш ва уни ўтказиш учун:

а) референдум ўтказувчи Марказий комиссия;

б) референдум ўтказувчи округ комиссиялари;

в) референдум ўтказувчи участка комиссиялари тузилади.

Референдум ўтказувчи комиссияларининг ваколатлари улар тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва референдум натижаларини эълон қилинган пайтдан бошлаб бир ой ўтгач тўхтадилади.

Ўзбекистон Республикасининг референдум ўтказувчи Марказий комиссияси ваколатларини Ўзбекистон Республикасини халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси амалга оширади.

Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари Ўзбекистон Республикасини халқ депутатлари сайловини ўтказувчи тегишли сайлов комиссияларини тузиш учун белгилаб қўйилган тартибда тузилади. Округ комиссияларини референдум тайинлаш тўғрисида қарор эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида, участка комиссиялари эса уч ҳафта ичида тузилиши керак.

19-модда. Референдум ўтказувчи комиссияларнинг ваколатлари ва уларнинг фаолиятини таъминлаш

Ўзбекистон Республикасининг референдум ўтказувчи Марказий комиссияси ушбу Қонуни бажарилишини назорат қилади ва унинг ҳамма жойда бир хил қўлланилишини таъминлайди, зарур ҳолларда ушбу Қонуни қондаларини шарҳлаш ҳақида тақдирнома билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатига иради, референдум ўтказувчи комиссияларининг фаолиятини йўналтириб туради, пул маблагларини улар ўртасида тақсимлайди, референдум ўтказувчи комиссияларининг қарорлари ушбу Қонунига амал қилган ҳолларда уларни бекор қилади, умумхалқ овоз беришида иштирок этиш учун бюллетенлар ва иштирокчилар рўйхатларининг, бошқа ҳужжатларининг намуналарини белгилайди, округ ва участка комиссияларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқади ҳамда улар юзасидан узи-кечид қарор

лар қабул қилади, референдум якунларини чиқаради, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди, ушбу Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунарига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

Референдум ўтказувчи округ комиссиялари участка комиссияларининг фаолиятини ташкил этади, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатлари тўғрисидаги маълумотларни қайта текшириб кўриш мумкин, халқ суди шикоятини икки кун ичида кўриб чиқиши шарт. Ноҳия (шаҳар) халқ судининг қарорини узи-кечидир. Референдум ўтказувчи участка комиссиясини суднинг қарорига мувофиқ рўйхатга дарҳол тузатиш киритади.

22-модда. Овоз бериш бюллетени

Овоз бериш бюллетенида референдумга қўйилган масаланинг ёки қарор лойиҳасининг матни ҳамда овоз беришчи ноҳия-иродасининг вариантлари ёзиб қўйилади. Референдумга қарор лойиҳасининг бир неча муқобиллари қўйилган тақдирда, уларнинг ҳаммаси битта бюллетенга киритилади, кетма-кет рақамлаб чиқилади, бири иккинчисидан ётиқ чизилар билан акратилади ва уларга алоҳида-алоҳида овоз берилади.

Референдум ўтказувчи комиссияларининг ишини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасини халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Референдум комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини барча давлат ва жамоат идоралари, сиесий партиялар ва ҳаракатлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажаришлари шарт.

Референдум ўтказувчи комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки аъзоси комиссия қарорига мувофиқ референдумга тайёрлаш қилиш ва уни ўтказиш даврида референдум ўтказиш учун акратилган маблаглар ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланб қолган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат ваъзаларини бажаришдан овоз қилиниши мумкин.

Давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар референдум

ўтказувчи комиссияларга ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, улар иши учун зарур бўлган бинолар ва жиҳазларни, ахборот ва материалларни белгилаган тартибда беришлари шарт.

20-модда. Референдум ўтказиладиган округ ва участкалар

Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказиладиган округ референдум ўтказувчи Марказий комиссия томонидан вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасини чега-рларини тузилади. Округларнинг чега-рлари ва референдум ўтказувчи округ комиссиялари жойлашган ер кўрсатилган рўйхатлар референдум ўтказувчи Марказий комиссия томонидан референдум тайинлангандан кейин кечи билан 10 кун ичида матбуотда босиб чиқарилади.

Референдумда овоз бериши ўтказиш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш учун ноҳиялар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги ноҳияларнинг ўтказувчи участкаларга бўлиш ҳақида қарор қабул қилинади. Участкалар ҳарбий қисмларда ҳам тузилади. Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойлардаги фуқаролар яшайдиган ерларда участкалар тузилиши мумкин. Референдум ўтказиладиган участкаларнинг тузиш тартиби ва нормаси «Ўзбекистон Республикасини халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ белгиланади.

21-модда. Референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатлари

Референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатига Ўзбекистон Республикасининг референдум кунига ёки референдум кунидан 18 ёшга тулган, рўйхатини тузиш пайтида муайян участка ҳудудида доимий яшайдиган барча фуқаролари киритилади. Референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатлари Ўзбекистон Республикасини халқ депутатлари сайлови учун белгилаб қўйилган тартибда тузилади ва ҳамма ташкил чиқиш учун референдум кундан ўн кун олдин участка комиссиясини буюман, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда референдумдан икки кун олдин яшиб қўйилади. Участка комиссияси рўйхатлар билан тақдир қилиш ва вақти ҳақида фуқароларга хабар беради.

Хар бир фуқаро рўйхатга киритилмагани, нотўғри киритилгани ёки рўйхатдан чиқариб юборилгани ҳақида, шунингдек рўйхатлардаги ноаниқликлар ҳақида шикоят қилиш ҳуқуқига эга Рўйхатдаги ноаниқликлар ҳақида аризани референдум ўтказувчи участка комиссиясини кўриб чиқади, у аризани икки кундан кечиктирмай, референдум арафасида ва кунда эса — дарҳол кўриб чиқиши, зарур ўзгартиришларини киритиши ёки аризачига унинг аризаси рад этилган тўғрисидаги асосли қарорнинг нусхасини бериши шарт. Бу қарор устидан референдумдан камида уч кун олдин ноҳия (шаҳар) халқ судига шикоят берилиши мумкин, халқ суди шикоятини икки кун ичида кўриб чиқиши шарт. Ноҳия (шаҳар) халқ судининг қарорини узи-кечидир. Референдум ўтказувчи участка комиссиясини суднинг қарорига мувофиқ рўйхатга дарҳол тузатиш киритади.

22-модда. Овоз бериш бюллетени

Овоз бериш бюллетенида референдумга қўйилган масаланинг ёки қарор лойиҳасининг матни ҳамда овоз беришчи ноҳия-иродасининг вариантлари ёзиб қўйилади. Референдумга қарор лойиҳасининг бир неча муқобиллари қўйилган тақдирда, уларнинг ҳаммаси битта бюллетенга киритилади, кетма-кет рақамлаб чиқилади, бири иккинчисидан ётиқ чизилар билан акратилади ва уларга алоҳида-алоҳида овоз берилади.

Овоз бериш бюллетенида референдумга қўйилган масаланинг ёки қарор лойиҳасининг матни ҳамда овоз беришчи ноҳия-иродасининг вариантлари ёзиб қўйилади. Референдумга қарор лойиҳасининг бир неча муқобиллари қўйилган тақдирда, уларнинг ҳаммаси битта бюллетенга киритилади, кетма-кет рақамлаб чиқила

Қардошлиқ қирралар

ТОШКЕНТДА «ОЛМАОТА» ДҶУКОНИ

Сыйлықлар ётгорликлар



АВГУСТ ойида бўлиб ўтган Урта Осиё ва Қозғоғистон жумҳуриятлари Президентларининг ўзаро ҳамкорлик уйрашувининг амалий исботи сифатида...

Олмаота шаҳрида Тошкент миллий савдо дўкони ҳамда Тошкент ресторани, Тошкент шаҳрида эса Олмаота савдо дўкони ва қаҳвахона...

қиёсқа фурсатларда курилиб фойдаланишга топширилади. Шаҳримиздаги савдо дўкони ва қаҳвахонада миллий беазаклар ўз аксини тоғани кид...



ши кўзини қувонтирса, унинг Халқлар Дўстлиги шохқўчасида жойлашган рамазий маъно насаб этди. Бир сўз билан айтганда дўкон ҳамда қаҳвахонанинг ишга туширилишини бозор иқтисодийотидаги маълум бир қийинчилик ва тақчилликларни бартараф этишда бошланган саяё-ҳаракат деб тушуноғимиз лозим.

булиб, унда ёдгорлик, кийим-кечак, чини идишлар, кафе-терий, озиқ-овқат ва китоблар бўлишлари мавжуд. Дўконимизнинг умумий сатҳи 800 квадрат метрни ташкил этса, шундан 240 квадрат метрида бевосита савдо хизмати кўрсатиш мўлжалланган. Шуниси диққатга сазоворки, дўконда 7 нафар қозоқ, татар миллати вакилларидан икки киши, икки нафар рус ҳамда 3 нафар ўзбек миллати вакилларидан иборат сотувчилар пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига намунали савдо хизмати кўрсатапти.

ишлэб халққа ҳалол хизмат қилишни ўзининг бурчим деб биламан. Базми одамларга менин сўзларим баландворэз бўлиб туюлиши мумкин. Лейкин, худди шундай миллий дўконда халққа хизмат кўрсатиш орузим эди. Мана, мустақиллик тўғайли бунга ҳам эришдик. Ҳали келажикда кўп ибратли ишлар амалга оширилишига шубҳам йўқ. Ҳа, қорчадан келган, истариси иссиқ ва ҳаракатчан бу қозоқ қизининг қалб сўзларига кўшилмай иложинг йўқ. Режебай МАДЕНОВ, Шокирмом АЛМУРДОВ.

«0!» хабар беради

12 ноябрдан 18 ноябрга қардар шаҳримизда 58 та ёғини содир бўлди. 12 ноябрь кунин соат 20 дан 02 дақиқа ўтганда ўт ўчириш бошқармасининг алоқа бўлимига Венгемэр районининг Навоий кўчасида жойлашган 143-уйдан ёғин чиққалиги тўғрисида хабар келди. Зудлик билан етиб келган ўт ўчирувчилар 17 дақиқа ичида ёғинни ўчиришга муваффақ бўлишди. Аммо ёғин натижа-сида уй эгаси катта талафот кўрди. Бир неча дақиқа ичида уйнинг 100 квадрат метр томи ёниб кетган. Маълум бўлишича, ёғин печа мўрсининг нотўғри қурилганлиги тўғайли чиққан эди.

дан ҳеч қимса шикастланмаган. Ёғин натижа-сида ётқонхона-нинг тиббиёт хонаси, унинг ичидидаги буюмлар ва хужжатлар қуйиб кул бўлган. Таҳмин қилинишича, хонага номаълум шахслар ўт қўйишган. Текширув ишлари давом этмоқда. Шу кунин кечаси соат 03:40 лар ҳамасида Акмал Икромов району Усмои Зуфаров кўчасида Ваз-2101 авто-машинаси ёниб кетган. Бу ҳодиса ўғирлар томонидан жи-ноятнинг илаларини, беркинши-нятида қилинган деган тах-минлаб бор. Ишни терговчилар олиб бормоқда. 19 ноябрь эрта саҳар соат 5 дан 54 дақиқа ўтганда Киров району, Адхам Раҳмат кўчасидаги 29-уйдаги ёғин тўғрисида хабар келди. Соат 6:00 да етиб келган ўт ўчириш кучлари ёғинни ўчиришди. Ёғин натижа-сида уй-рўғор буюмлари ва уйнинг 100 квад-рат метр томи ёниб кетган. Ёғиннинг сабаби қорвонга қолган 3 ёшдан 13 ёшгача бўл-ган 5 та боланинг уй ичида иситиш учун газ плитасидан фойдаланганлигидир. Тошкент шаҳар ўт ўчириш бошқармасининг давлат ёғини-дан сақлаш назорати бўлими.

Муҳаррир ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИННИНГ КОНЦЕРТ-ГАСТРОЛЬ БИРЛАШМАСИ
В. И. ЛЕНИН НОМИЛИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОНИДА
29 НОЯБРЬ СОАТ 19.00, 30 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00, 1 ДЕКАБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА ЯНГИ ПРОГРАММА
«0-Б»
(ОБИД — БОТИР)
ТОМОША КЎРСАТАДИ
ТОМОШАДА ҚАТНАШАДИЛАР:
Обид АСОМОВ, Ботир МУХАММАДХУЖАЕВ, Соҳиб МАМАСОЛИЕВ ва бошқалар.
Чипталар соат 11.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ БИНОСИДА
(Ҳадра майдоғи)
28, 29 НОЯБРЬ СОАТ 18.00 ДА «НИГОҲ» КОММЕРЦИЯ ФИРМАСИ НАМОНИШ ЭТАДИ
«ШУМ БОЛА» ШОУ ГУРУҲИ
ЯНГИ ДАСТУРИ БИЛАН солистлар: ОТАБЕК МАДРАҲИМОВ, ФАРҲОД ИНОҒОМБОВ
гурӯх бастакори: СУРЪАТ КАРИМОВ.
Дастур меҳмони — ХУСНИДДИН ХОЛИҚОВ.
«ТОҶ МАХАЛ» ГУРУҲИ
«ШАМС» ва «ЯХШИ БОЛА» ГУРУҲЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.
ЧИПТАЛАР СОТИЛМОҚДА.
Касса соат 10 дан 19 гача ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОИДА 7, 8, 9, 10 ДЕКАБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА
«КУЛГИ ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ»
ҚАТНАШАДИЛАР:
«Қизилчи — 9!» кўрғининг солиби ҲОЖИВОВА ҲОЖИВОВА
ва
Ботир Зокиров
кўрғининг солиби, хушоноз хонанда
АЗИМ МУЛЛАХОНОВ
ДАСТУРНИ УТКИР СИДДИҚОВ ОЛИВ БОРАДИ.
Чипталар соат 11.00 дан бошлаб Сарой кассаларида, метронинг «Пахтакор», «Октябрь инқилоби» ва «Максим Горький» бекатларида сотилади. Телефон: 45-91-13.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ПОЯВАЗАЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОИДА БОЛАЛАР ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИНИ УТКАЗАДИ
ДАСТУРДА:
арча атрофида театрлаштирилган оммавий ўйинлар; сеvimли эртан қаҳрамонлари иштирокида саҳнада Янги йил томошалари; мультфильмлар бор.
ЧИПТАЛАР НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОВ ЯЪЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ.
Томошалар соат 10, 12, 14, 16, 18.00 да бошланади. Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 4-уй (собиқ В. Хмельницкий кўчаси). Телефон: 54-38-96.

ТОШКЕНТ СИЕСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ОЛИИ БИЛИМОҲИ
«ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР» МУТАХАСССИЛЛИГА ЎШЛАРНИ ОЛИИ УҚУВ ЮРТИГА КИРИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КУРСЛАРГА УРТА МАКТАВНИ БИТИРГАНЛАР, ҲАМДА 11-СИНФ ЁҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида қуйидаги фанлар бўйича олиб борилади: математика, чет тили, ўзбек (рус) тили ва адабиёти.
МАШЎУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН ВОШЛАБ 6 ОН ДАВОМ ЭТАДИ.
Тайёрлов курсини битириб чиққанлар умумий асосда кириш имтиҳонларини тошпиратдилар ва олий билимоҳга қабул қилишда имтиҳонга ҳақ бўлмадилар.
Қабул учун қуйидаги хужжатлар керак: ректор номига ариза, аттестат ёки дипломининг нусхаси (ўрта маълумотлилар учун), мактабдан маълумотнома (11-синф ўқувчилари учун), 2 фотосурат 3х4 см.
Хужжатлар билан қўйидаги бошқарув куллиети биноси (68 а хонада) қабул қилинади.
Манзилгоҳимиз: Тошкент Луначарский кўчаси, 54-уй.
Телефонлар: 67-93-08, 67-06-41.

ТОШКЕНТ ВИЛОЪТ «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ТАШКИЛОТИ
КИЧИК КОРХОНАЛАРНИ ТУЗИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ КУРСЛАРИГА
ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
МАШЎУЛОТЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ ОЛИМЛАР ОЛИВ ВОРИШАДИ
Курс кичик корхоналар кооперативлар, ассоциацияларнинг раҳбарлари, ҳисобчилари ва иқтисодчилари учун мўлжалланган. Корхоналарнинг бозор модели, кичик корхоналарда ходимларни ишга жойлаштириш ва мустаҳкамлаш, модель ва молявий фаолияти, режа, смета ва калькуляция масалалари дастурдан ўрин олган. Нарх-навоининг ҳомили бўлиши, нархлар ва тарифларни ўрганиш, шунингдек асосий машғулотларни ўтказиш ҳам кўзда тутилди.
КУРСЛАРНИ БИТИРГАНЛАРГА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.
Манзилгоҳимиз: А. Қодирий кўчаси, 13-уй, 30-хона.
Дастлабки йиғилиш 5 декабрь соат 17.00 да бошланади.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-59-60, 44-61-50.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирига
22-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
«кенг қамровли тикувчи» иxtисоси бўйича тажрибавий гуруҳга
1992 йил учун қўшимча
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ўқиш муддати — 1,5 — 2 йил.

Урта мактабни битирган ҳамда тиқиш-бичишини ахшилаб ўрганиб олишни истайдиган йигитлар ва қизлар қабул қилинади. Йигитлар Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтгандан кейингина қабул қилинади.
Ўқиш вақтида 80 сўмдан стипендия тўланади.
Билим юрти маъмурияти шу гуруҳ битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.
Машғулотлар — 1992 йил 1 февралда бошланади.
ЗАРУР ХУЖЖАТЛАР: ариза, маълумоти тўғрисидаги хужжат, турар жойидан маълумотнома. 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикидаги 6 та фотосурат.
Манзиллими: 700000, Тошкент шаҳри, Кренкель кўчаси, 18-уй («Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси биносининг ораксиди).
Транспорт — 9, 18, 21, 24, 26, 47, 57, 60, 72, 81, 92, 115-автобуслар; 2, 3, 16, 23, 25, 28-трамвайлар.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-62-41, 34-01-46.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
1992 йилда техникумининг қулузига ва кечин бўлимларига киришга тайёрловчи
6 ОИЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Курсларга 9- ва 11-синф маълумотидаги шахслар, шунингдек, қулузига мактабларнинг 9- ва 11-синф ўқувчилари қабул қилинади. Тайёрлов курсларини битириш имтиҳонлари айни пайтда техникумга кириш имтиҳонлари ўрнига ўтади.
МАШЎУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ ВОШЛАНАДИ.
Кўрувчилар қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида хужжат (асли); мактаб ўқувчилари ўқиш жойидан маълумотнома тошпиратдилар.
Хужжатлар ҳар кунин 8.00 дан 18.00 гача эски ўтув биносининг 1-қаватидаги бошлқ хонасида қабул қилинади.
Телефон: 33-13-75.
Манзилгоҳимиз: 700006, Тошкент шаҳри, П. Оқунбобов кўчаси, 12-уй (2, 3, 13, 28-трамвайларнинг «Сув спорт» саройи); 5, 12, 68, 58, 26, 37, 52, 18, 60, 97-автобусларнинг «Инқилоб хйбони» бекатлари).

АКМАЛ ИКРОМОВ АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ ҚОШИДА
Халқлар дўстлиги кўчаси, 118-уйда жойлашган
«ТАШАВТОТЕХОВСЛУЖИВАНИЕ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҲУДУДИДА
ва Закария-Розий кўчаси, 1-тор кўчадаги, 24-уйда жойлашган
«ЧЕВАР» ТИКУВЧИЛИК-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҲУДУДИДА
ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ БЎЛИМЛАРИ ОЧИЛДИ.
ЖАМГАРМА БАНКИ БЎЛИМИ МУАССАСАСИДА СИЗ:
омонатлар махфийлигига тўлиқ қафолат бериш билан тегишли органлардан декларация тақдим этилмаган ҳолда чекланмаган миқдордаги пул маблағларинингизни сақлашингиз ва ҳисоб очилишингиз;
чек дафтарчаси, ҳисоб чекини олишингиз ёки ўз омонатингиздан савдо, маийш, коммунал (уй-жой ҳақи, телефон ва бошқа хизмат турлари учун тўловлар) ва бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоблар учун пул тўловларини ўтказилишингиз;
1992 йилда Давлат ички ютуқли заъми облигациялари 50, 100, 1000 сўм қийматидаги Давлат хазина мажбуриятномаларини сотиб олишингиз;
Давлат заъми облигациялари, ССЖИ Давлат хазина мажбуриятномалари, шунингдек сертификатларини сақлаб бериш учун топширишингиз;
бошқа турдаги ҳисоб-китоб ёки пул амалларини бажаришингиз мумкин.

Агар Сиз Урта Осиёдаги энг йилри корхоналардан бири бўлиши Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида иехнат қилмоқчи ва Тошкент техника дорифукуида таълим олмоқчи бўлсангиз
8-ТАЙЁРЛАВИН ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КЕЛИНИ!
Бу ерда Сиз учин аппаратларини йиғувчи-чилангар, механика-йиғув ишлари чилангарлари, санаот ускуналарини таъмирловчи чилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг оператори, тонар, фрезерчи, кенг қамровли дастгоҳчи касбларини эгаллаб чиришингиз мумкин.
Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
9-СИНФЛАРНИ БИТИРУВЧИЛАР ТАЖРИБА ГУРУҲИДА ЎҚИДИЛАР ВА 2 ЙИЛ ДАВОМИДА УРТА МАЪЛУМОТ ҲАМДА КАСВ ЭГАСИ БУЛАДИЛАР.
Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи мадакасини эгаллайдилар.
11-синфни битирувчилар оғига 115—150 сўм миқдорда стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида насб эгаллаб чиқадилар.
Ўқиш даврида ўқувчилар оқиат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Чналов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида қарапай панаонат ва профбилангида дам олиб, соғиларини мустаҳкамлашлари мумкин.
Ўқиш вақти нехнат фаолиятига қўлиб ҳисобланади.
Билим юртини «яъло» баҳолаб билан битириганлар Тошкент техника дорифукуида ўқишга юбориладилар.
Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган бошқа шахарлик ўқувчиларга ётқонхонадан жой берилди.
Билим юртига қуйидагича борилади: 10, 23, 27-трамвайлар, 18, 48, 97-автобуслар; 1, 10, 14, 18, 24-тролейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси бекати.
Манзиллими: 700128, Усмои Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй. Телефон: 41-57-54.

25 НОЯБРЬ
Алишер Навоий номли Санъат саройида — «ПОЛИЦИЯЧИ КИЙИМИДАГИ АЕЛ» (11.00, 20.00), «МЕНГА ИШОН СЕВГИЛИМ» (19.00, кичик зал).
Фуркат — «ОКЕАН» (18.30, 20.45).
Москва — «ОЙМОМА — 44» (тоқ соатларда, 20.40).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОИИДА
5 ДЕКАБРЬ СОАТ 18.00 ДА
«ИСТИҚВОЛ» ёшлар маркази
СИЗЛАРНИ
КАТТА КОНЦЕРТГА ТАКЛИФ ЭТАДИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
ХОНАНДА АХРОР УСМОНОВ
«ОСИЁ ОВОЗИ» халқор кўрғининг олий соврин соҳиби
«ҚАРС» ГУРУҲИ
гуруҳ якнахон хонадаси
РАВШАН НОМЗОВ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
ШАҲВОЗ НИЗОМИДДИНОВНИНГ МУСИҚАЛИ ХОНАДОН КОНЦЕРТ ДАСТУРИ
БОТИР ЗОКИРОВ хотирасига бағишланган кўрик танлов совриндорларидан
Гузор шаҳар маданият уйи қошидаги «ХУШРУЙ» ГУРУҲИ
Сарносий туман «РАЙҲОН» дастасининг хонадаси
МАХМУД НОМЗОВ
Дастурни ёшлар марказининг доимий бошловчиси ЗОКИР ХУДОЙБЕРДИЕВ олиб боради.
Чипталар соат 11.00 дан соат 19.00 гача сарой кассаларида сотилади.
Телефонлар: 45-92-13, 46-43-90.

«СОЛАР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТИЖОРАТ ЖАМИЯТИ
НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ УТКАЗИШ ЯЪЛИ БИЛАН: санаот ва рўзгор музлаткичлари, шунингдек кондиционерлар техника хизмати кўрсатиш уларни таъмирлаш ва ишга тушириш-созлаш;
хусусий компьютерлар, телефакслар ва ультра-қисқа тўлиқлиди радиостанцияларга техника хизмати кўрсатиш, уларни созлаш ва таъмирлаш ишларини амалга оширилади.
Маълумотлар олиш учун шаъба ва якнахондан ташқари ҳар кунин соат 8.00 дан 18.00 гача 33-10-90, 33-03-94 телефонлари орқали мувожаат қилишингиз мумкин.

«АГРОСПЕЦСТРОЙ» ЖАМОА КОРХОНАСИ
ИЖАРАГА БЕРАДИ
ЭЛЕКТР ТЕХНИКА ЛАБОРАТОРИЯСНИ (ЭТЛ-10)
Қуйидаги манзилга му-рожаат қилинсин: 700005, Тошкент шаҳри, Қуйишев узуи кўчаси, 35-уй.
Телефонлар: 91-44-46, 91-03-25.

Тошкент оқшоми
МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700006, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Шаъба ва яшанбадан ташқари ҳар кунин ўзбек тилида чиқади.
ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 33-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; намоётчиллик қабулхонаси — 32-55-83.
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернин эълонлар бўлими тайёрлаган.
Маълумотлар ва эътирозлар учун телефон: 33-81-42.